

Эй одам боласи, сен кунлардан иборатсан!



12:00 / 30.01.2019 3969

Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳ: «Эй Одам боласи, сен кунлардан иборатсан. Бир кун ўтса, сенинг бир бўлагинг кетган бўлади». Ва яна: «Бир қавмларни билдимки, улар вақтларига сизларнинг динору дирҳамингизга ҳарис бўлишингиздан кўра ҳарисроқ эдилар», деганлар.

Солиҳ халифа Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳу шундай деган: «Албатта кеча ва кундуз сенинг устингда ишляпти, сен ҳам уларда ишлаб қолгин», деди. (Яъни кеча ва кундуз инсон вужудига лаҳзама-лаҳза таъсир ўтказиб ўтиб борапти).

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан